

Савобли ишни бардавом қилиш



14:14 / 02 январь 979

نَبِيٌّ أَمِيٌّ فَهُوَ أَرْقُفٌ هُنْمٌ عَيْشٍ
رُهُ ظَلَامٌ أَلَصٌّ وَرُجْفُ لَامَةٌ أَلَصٌّ
نَمُّ هَارِقٌ أَمَّنَّا كُهُ لَبْتُ كُ
أَلِةٌ سَمَّخُ لَامٌ هَاوَرٌ لِيْلُ لَامٌ
يِرَاخُ بُلَامٌ

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким вазифасидан ёки унинг баъзисидан ухлаб қолса-ю, уни Бомдод билан Пешиннинг орасида ўқиб олса, унга худди кечаси ўқигандек ёзилади», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

«**Вазифа**» дейилганда киши кўнгилли равишда ўзига ҳар куни ёки кечаси ўқиб туришни вазифа қилиб олган намози, Қуръон қироати, зикр ва шунга ўхшашлар кўзда тутилади. Одатда «вазифа»ни руҳий тарбия устозлари ўргатадилар.

Мусулмон банда ўзига вазифа қилиб олган нарсани ҳар кеча ихлос билан ўқиб юрса-ю, баъзи сабабларга кўра бирор кечада уни ўқий олмай, ухлаб қолса ёки баъзи қисмини ўқимаган бўлса, Бомдод ва Пешин намозлари орасида ўқиб олса, худди вақтида ўқигандек савоб ёзилади.

Демак, шунга биноан, суннат қилинган намозлар – фарз намозлар билан ўқиладиган намозлар, вақтли нафллар, икки ийд, чошгоҳ намозлари қазо қилиб ўқилади. Бунга келгуси ҳадисларда далиллар мавжуд.

هُلِّلَا يِضَرِّ دِيغَسْ يِبَا نَع
هُلِّلَا يِلْصَّ يِبَّنْ لَا نَع ، هُنَّ نَع
نَعَمَ أَنْ نَمَ : لَأَقْ مَلْسُو هِيْلَع
أَذِيْلَ صُيْلَفْ هِيْسَنَنْ وَأَرْتِوْلَا
هُأَوْرَ . ظَقِيَّتْ سَا أَذِيْو ، رَكَذ
دُوَادُ وَبَأُوْ يِذِمَّرْتَلَا

Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«**Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

«**Ким витрни ўқимай, ухлаб қолса ёки унутган бўлса, эслаганида ва уйғонганида ўқиб олсин**», дедилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Витрининг қазоси ҳам ўқилади. Витр намози Ҳанафий мазҳабида вожиб,
бошқа мазҳабларда суннат эканлигини эслатиб қўйсақ, яхши бўлади.

أَهْنَعُ هَلَلًا يَضَرَّ شَيْئًا نَع
يَلْصُقُ يَبْنُلًا نَاكَ تَلْأَق
لَمَعَ إِذَا مَلَسَ وَهَيْلَع هَلَلًا
مَ أَنْ إِذَا نَاكَ وَهُتَبُثَا لَمَعَ
نَمَ يَلْصُقُ ضَرَمٌ وَأَلْيَلًا نَم
عُكَرَ رَشَعٌ يَتُنْثِرَاهُنَّ لَ
هَلَلًا لُوسَرُ تُيَأْرَ أَمَوُ تَلْأَق
مَ أَق مَلَسَ وَهَيْلَع هَلَلًا يَلْصُقُ
أَمَوُ بِحَابِّصَلَا يَّتَحَّهْلِيَل
إِلَّا أَعْبَاتُ مَ أَرَهَشَ مَ أَص
مَلْسُ مَ هَاوَرُ . نَ أَضَمَرُ
يُيَأْسُنُّ لَأَوُ

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир амални қилсалар, бардавом қилар эдилар. Агар кечаси ухлаб ёки бемор бўлиб қолсалар, кундузи ўн икки ракъат намоз ўқиб олар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг бирор кечани то тонг отгунча қоим ўтказганларини ва Рамазондан бошқа ойнинг рўзасини кетма-кет тутганларини кўрмадим», дедилар».

Муслим ва Насаий ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадисдан олиндиган фойдалар:

1. Бир савобли ишни, жумладан, таҳажжуд намозини бардавом қилиш.
2. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳам кечаларда нафл намозларидан ухлаб қолганликлари.
3. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам узр ила кечаси ўқий олмаган таҳажжуд намозларининг қазосини кундузи ўқиб олганлари.
4. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг кечани бутунлай ухламай ўтказмаганлари, яъни вақтида ухлаганлари.
5. Рамазон ойидан бошқа ойнинг рўзасини кетма-кет, тўлиқ тутмаганлари.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди